

---

## НАВРЎЗ ШУКУҲИ

Наврўз байрамига бағишланган тадбирлар туман марказий истироҳат боғи ва ўйингоҳда давом этди.

Унда туман ҳоқими Дилшоджон Джалилов байрам қатнашчиларини ушбу айём билан муборакбод этди. Шундан сўнг байрам тадбирини олиб бораётган "Рухсор" телеканали суҳандонлари навбатни куй ва қўшиқларга бердилар. 28-мусиқа ва санъат мактаби ўқувчилари, туман бўлтми бадий ҳаваскорлари байрам даврасини ўзларининг қўшиқ ва рақслари билан қизитдилар.

Байрам тадбирининг иккинчи қисмини таниқли сўз устаси Абдурахмон Сиддиқов ўзининг ичакузди латифалари билан бошлаб берди. Шундан сўнг навбат таниқли хонандаларга берилди. Баҳодир Мамажонов, Шоҳсанам Мирзаева, Абдужалил Қўқонов ижросидаги қўшиқларга байрам иштирокчилари рақсларга тушдилар.

Истироҳат боғида маҳаллалар ошпазлари ош танлови ўтказдилар. Аёллар эса баҳор таомлари пишириб дастурхонларга тортдилар. Секторлар ҳам ўзларининг байрам дастурхонларини тузаб, меҳмонларга тортиқ қилдилар. Мактаб ва боғчалардан келтирилган гуллар ва қушлар Наврўз байрами тароватини янада оширди.

Наврўз тантаналари маҳаллаларда, меҳнат жамоаларида, хонадонларда давом этипти.

"Марказий Фарғона" мухбирлари.

ЎЗЎВОН ТУМАНИ ҲОКИМЛИГИ АХБОРОТ ХИЗМАТИ

2022-03-24 10:10:06